


“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

№ 480671

Ерхик келанжак номли

1-сонли

болалар уйи

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун  
ШАРТНОМА

2022 йил "01" 20 480671 -сон

Уйчи туман,  
(шартнома тузилган манзил)

"Наманган ХЭТК" акциядорлик жамияти "ишончнома" асосида фаолият юритувчи  
раҳбари А. Мирзаев (кейинги ўринларда  
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи  
Ёрқин келажак қоғиш 1-сонли болалар уйи  
(Истеъмолчи"нинг номи)

раҳбари М. Қамбаров (кейинги ўринларда  
(Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.)

"Истеъмолчи" деб аталади), хисоб рақами - 

4	8	0	6	7	1		
---	---	---	---	---	---	--	--

 инчи  
томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 3000 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган қунидаги умумий нархи  
450 сўмни, тариф(лар) бўйича 1350000

тариф нури: таъқдирланган, бир ставкага ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган миқдорот ишлаб чиқаруви ва тўғри хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (керактис) ёзилган

ташқил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-гадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юқламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юқламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юқламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбандан электр билан таъминланганда, ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “\_\_1\_\_” санасигача Корхонага ва Бюрога тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган кувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида муқофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. *(Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради)*

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини электрон ҳисобварак-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда такдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол килинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (қолдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол килинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг такқослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни ҳисобга олиш приборларини қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқоридан тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолатларда маиший (аҳоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ЎРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ "Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада тақомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига кўра ҳудуддаги диний ташкилотлар Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш –ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, иломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш-ҳисобга олиш приборининг созлиғи, унинг фойдаланишга яроқлилиғи, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив ҳужжатлари талабларига мослиғи бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни ҳисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш "Ўзстандарт" агентлиғи томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Қорхона томонидан тўланади.

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

##### 4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Корхона ва Бюрога такдим этиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва "Ўзэнергоинспекцияси" кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

қелгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан куйидаги маълумотларни такдим этишга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юклагани давларида реактив энергия ва қувватнинг хар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юклаганининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг хар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш-умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, ишлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфлалини ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш-уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчиришлар ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фавқулодда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

## VI. Яқуний қоидалар

6.1. Шартнома 2020 йил 31 Декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир мил. юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусxada тузилади. Шартноманинг нусхалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш туърисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгарттириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазиpлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ҳамда Бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истеъмолчи: Ёрқин келажак келиш / соғлиқ боғалар уйи  
Юридик манзили Ўйчи тўман Каббақор кўча №50  
Почта манзили \_\_\_\_\_  
Ҳисоб рақами 100021860142297095100075001  
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 308944741  
Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами \_\_\_\_\_  
Маҳалла номи Қуръат МФУ Каббақор кўча №50  
Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар учун  
Бюджет фондининг ҳисоб рақами 100021860142297095100075001  
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 308944741  
Бюджет фонднинг ҳисоб рақами \_\_\_\_\_  
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 308944741  
Телефонлар: +998995122676 Факс: \_\_\_\_\_

(\*Истеъмолчи" телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини ушбу телефон рақамидан)